



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БИЛАН БАНД АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ (КОЛХОЗ ШИЙПОНЛАРИ, ЯСЛИЛАР)

Хасанбоева Гулхаё

Фарғона давлат университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7916856>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-May 2023 yil

Ma'qullandi: 05-May 2023 yil

Nashr qilindi: 10-May 2023 yil

KEY WORDS

Фарғона, қишлоқ хўжалиги,
шийпон, ясли, колхоз совхоз,
посёлка.

ABSTRACT

Ушбу мақолада совет ҳокимияти йилларида Фарғона водийсидаги қишлоқ хўжалиги билан банд аҳолининг турмуш тарзи ёритилган. Шунингдек қишлоқлардаги колхоз шийпонлари ва яслилари ҳақида маълумот келтирилган.

Урушдан кейинги йилларда Марказ асосий эътиборини мамлакат муҳофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратди. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш масалаларига бюджет маблағларини ажратишда қолдиқ принципи қўлланди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, ишлаб чиқариш учун сарф қилиниши зарур бўлган харажатлардан қолган маблағлар ижтимоий дастурларга ажратилар эди. Энг асосийси пахта яккахокимлигининг ўрнатилиши мамлакат аҳолисини янада мушкул аҳволга солиб қўйган эди. Ўша йилларда республикада аҳолини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш ҳам оғир аҳволда эди. Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигининг бу соҳаларини ривожлантиришга етарли эътибор берилмади. Шунингдек, Совет ҳукумати амалга оширган миллий сиёсат оқибатида шаҳар аҳолисининг кўпайиши Ўзбекистондаги ижтимоий –сиёсий вазиятни янада мураккаблаштирди. Фарғона, Андижон, Тошкент вилояти шаҳарларида аҳолини уй-жой, боғча ва иш билан таъминлаш масаласи қийинлашди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги билан банд аҳолининг турмуш даражаси жуда паст аҳволда бўлган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чекланган эди. 1956-йилга қадар колхозчилар давлат пенсияси ва нафақаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. Нафақахўр ва фахрийларга бериладиган пенсия ва нафақалар миқдори жуда кам эди. Фахрийлар, нафақахўрлар, ногиронлар, болали аёлларнинг моддий аҳволи ўта оғир эди.

Республикада урушдан кейинги йилларда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган даража аҳоли талабига жавоб бермас эди. 1960-йили республикадаги 5,4 минг маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг фақат 2 мингга яқини қишлоқларда жойлашган бўлиб, уларнинг аксариятини 1-2 нафар уста ишлайдиган, махсус бино ва зарур шароитга эга бўлмаган поябзал таъмирлаш устахоналари, сартарошхоналар ташкил қилар эди. Қишлоқ ва посёлкаларда хизмат кўрсатиш асосан кўчма, сайёр усулда ташкил этилган.

Шу билан бирга тураржой муаммоси ҳам долзарб бўлиб келган. 60-йилларда республикада тураржой қурилиши урушдан кейинги ўн йиликка нисбатан икки ярим баравар ўсди. Бироқ бу уйларнинг ярмидан ортиғи аҳоли томонидан қурилган бўлиб, давр талабига жавоб бермас эди. Бундан ташқари колхоз ёки совхозларда иш билан банд бўлмаган аҳолининг уй-жой билан таъминланиши мушкул эди. Хусусан, 1961-йил 12-августда ССР Иттифоқи Министрлар Совети “Совхозларга қарашли уйлардаги турар жой майдонидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”¹ги қарорни эълон қилди. Унга кўра, Совхозларга қарашли уйлардаги уй-жой майдонини шу совхозда ишламаётган шахсларга бериш таъқиқланди. Совхозларнинг директорлари, бўлим бошқарувчилари, агрономлари, зоотехниклари ва ветеранария врачлари эса совхозда хизмат қилиб турган вақтларида фойдаланишлари учун совхозларга қарашли уйлардан уларга квартиралар ажратилди.

Республикаимизнинг барча вилоятлари қишлоқ аҳолиси учун 1960-1965 йиллар давомида катта ҳажмдаги турар жой бинолари қуриш режалаштирилган. Хусусан, Фарғона водийсида ҳам бу даврда режа асосида 220 минг кв. км турар жой бинолари қурилиши белгиланган эди. Бу даврда вилоятда 16 та ўрта мактаб ва мактабгача ёшдаги болалар боғчаси, маданий-маиший ва соғлиқни сақлаш объектлари фойдаланишга топширилган. Аммо, янги ерларни ўзлаштириш жараёни у ерда турар жойлар, мактаб, боғча, касалхона, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, дала шийпонларини қуриш суръатига нисбатан анча илгарилаб кетган эди.

Аксарият янги колхоз ва совхоз посёлкаларида ичимлик суви, канализация ва марказий иситиш тизими умуман бўлмаган. Республика бўйича 1970-1980 йиллар охирида қишлоқ аҳолиси пунктларидан 80 %дан ортиқроғи водопровод сувидан маҳрум эди ва фақат ташиб келтириладиган сувдан фойдаланар эди. Қишлоқларда оқава сувларни тозалаш иншоотлари қувватидан 40 % дан камроқ фойдаланилган. Бу ҳол тозаланмаган сувлар, маиший чиқиндиларнинг асосий қисми очиқ ҳавзаларга, ер ости чуқурларига ёки ер устига ташланишига олиб келар эди.

Юқорида келтирилган бир неча сабаблар, озиқ-овқатнинг етишмаслиги, сув таъминоти, тураржой муаммоси, тиббий хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги кабилар аҳолининг кўпроқ меҳнат қилишини талаб этарди. Бундан ташқари республикада пахтадан кўпроқ ҳосил олиш мақсадида аҳолининг барча қатлами шу ишга жалб қилинган. Лекин қишлоқ жойларда меҳнат шароитлари ҳам яхши эмаслиги кўплаб муаммоларни келтириб чиқарган. Деҳқонларнинг томорқа участкалари қисқартирилиб, уларга ҳам пахта экилди. Деҳқон фарзандлари болаликни бутифос(кимёвий суюқлик) сепилган пахта далаларида ўтказдилар. Кўплари сариқ касаллигидан вафот этдилар, заҳарли моддалардан шикастландилар. Пахта туфайли турли эпидемиялар пайдо бўлди². Аёлларнинг ҳам меҳнатга жалб қилиниши болаларнинг қаровсиз қолдирилишига етарлича эътибор берилмаслигига олиб келди. Аслида қишлоқларда болалар учун мавсумий ясли ва боғчалар ташкил этилган бўлсада, уларнинг ҳолати талабга жавоб бермас эди. Керакли жиҳозлар билан таъминламаганлиги ва озиқ-овқат захирасининг камлиги болалар аҳволини янада қийинлаштирган. Мавсумий боғчаларда озиқ овқат билан таъминлаш янада оғир

¹ ФВДА, 719-жамғарма, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд, 200-варақ.

² Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даври. – Т.: Шарқ, 2000. –563 бет.

ағволда бўлган. Масалан, биргина Фарғона вилояти Олтиариқ райондаги мавсумий боғчаларда болалар кунига бир маҳал овқатланган. Уларнинг озиқ овқати катталарнинг тушлигидан қолган овқат бўлган. Болалар беланчақда ва ерда соғлом ва бетоб болаларга биргаликда қаралган. Ушбу районда норма бўйича 18 та болалар сут маҳсулотлари ошхонаси бўлиши лозим эди. 1967 йилгача улардан 2 таси ишлаган, 1970 йилга келиб бирорта ҳам ошхона ишламаган. Ўзбекистон колхозининг сут маҳсулотлари ошхонаси оддий ошхонага айлантирилиб, унинг биноси 1967 йилда таъмирлаш учун топширилган эди. Лекин 1970 йилга келиб ҳам унинг иши йўлга қўйилмаган.

Мавсумий боғчалардаги болаларнинг саломатлиги текширилганда, улар орасида рахид (камқонлик) ва гипотрофия (ёшига нисбатан вазни ва бўйи камлиги) касаллиги учраган болалар кўплиги аниқланган. Райондаги баъзи хўжаликлардаги мавсумий болалар боғчаларининг озиқ овқат билан таъминлашга умуман маблағ ажратилмаган. Бундан ташқари вилоятнинг бошқа районларида ҳам болалар учун қуруқ озуқалар етишмаган. Ваҳоланки, қуруқ озуқа болалар овқатланиши яхшилашда ва уларнинг саломатлигини таъминлашга ёрдам берган. Масалан, 1969 йилда Фарғона вилоятида 19 тонна қуруқ озуқа сотиш мўлжалланган бўлса, дорихоналарга атига 7 тонна бундай озуқа олиб келиб сотилган.

1973 йилда Фарғона вилояти Қува районида колхозларида 28 та мактабгача тарбия муассасалари фаолият юритган, буларга 1776 нафар бола қатнаган. Бу боғчалардан 20 таси мавсумий боғчалар бўлиб, уларга 883 та бола қатнаган³. Бошқа вилоятларга солиштирганда эса 1974 йилнинг охирида Наманган вилоятида яшаган 322 минг нафар мактабгача ёшдаги бўлган болалардан 34279 нафар бола (16,3 фоиз) мактабгача муассасаларга жалб қилинган эди. Шунингдек, колхоз болалар боғчаларига 14530 нафар бола (13,6 фоиз) жалб қилинган. 1971 йилда 24692 нафар болаларни ўзида жамлаган 352 та боғча мавжуд бўлса, 1974 йилга келиб уларнинг сони 174 та кўпайди, болаларнинг қамраб олиш фоизи эса 7,5 фоизга ошди. Болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олишда Наманган шаҳри, Учқўрғон ва Норин раёнларида Фарғона вилояти раёнларига нисбатан кўзга тутилган режалар яхши амалга оширилди. Аммо болаларни боғчалар билан таъминлаш бўйича аҳолининг эҳтиёжлари тўлиқ қондирилмади. Бу ҳолатни аниқса Наманган шаҳрида кўриш мумкин. 1974 йилда ота-оналар томонидан берилган 586 та ариза қониқарсиз қолган. Шулардан, 97 таси ясли ёшидаги болаларни боғчага жойлаштириш масаласида ариза берган эди. Фарғона вилояти бўйича болалар боғчаларида гуруҳлар асосан ёш бўйича тақсимланган. Аммо колхоздаги боғчаларда аксарият ҳолларда болалар ёшига қараб эмас, 3 ёшдан 7 ёшгача аралаш бўлган.

Боғча болалари орасида ясли ёшидаги болалардан кўра мактабгача ёшидаги болалар кўпроқни ташкил этган. Жами яслиларда 3436 нафар бола тарбияланган. Боғча болаларни озиқ-овқат билан таъминлашни қишлоқ хўжалиги вилоят бошқармаси колхоз раҳбарларига, колхоз болалар боғчаларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш вазифасини қўйган. Болалар боғчаларини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи халқ таълими вилоят бўлими томонидан назорат қилинган. Аммо таъкидлаш жоизки савдо ташкилотлари болалар боғчаларини гўшт, балиқ ва тухум

³ ФВДА, 1126-жамғарма, 8-рўйхат, 587-йиғма жилд, 6-варак.

билан тўлиқ таъминламаган. Вилоятда энг кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун 82 та сут маҳсулотлари ошхонаси фаолият юритган ва уларнинг 59 таси колхозлар ҳудудида жойлашган. Аммо 1963-йилга келганда Фарғона вилоятидаги қўриқ ерларни ўзлаштирувчи жамоа хўжалиги аъзолари учун 10 дан ортиқ посёлкалар қурилиб, уларда 2150 та турар жойлар ва 85 та маданий –маиший ҳамда ишлаб чиқаришга мослашган бинолар қурилди. Жумладан, 6 та мактаб, 10 та болалар боғчаси ва яслилар, 6 та тиббиёт пунктлари ва касалхоналар, 7 та ҳаммом ва 13 та дала шийпонлари барпо этилди⁴. Бу ердаги барча посёлкалар артесиан қудуқлари, электр энергияси ва радио билан таъминланди. Умумий узунлиги 240 км. гат энг вилоят ва республика аҳамиятига молик бўлган автомобиллар қатнайдиган йўл қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1985 йил охирида қишлоқларда болалар мактабгача муассалари сони 5404 та ташкил қилиб, 1975 йилдагига нисбатан 1,7 баробар ошган. Бу муассасаларнинг сони ошганлиги натижасида бу йилларда қишлоқларда болалар сони ҳам 2,3 баробарга ошган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли учун бир қанча енгилликлар яратилди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989–1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув туфайли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот кўпайиб, нарх-наво арзонлашди, энг муҳими, ижтимоий кескинликнинг олдини олишга эришилди.

Масалан Фарғона вилоятидаги мавжуд 149 та жамоа ва давлат хўжаликларининг ҳар бирида аҳоли билан шартнома асосида уй-жой қурувчи 50-60 кишилиқ қурилиш бригадасининг тузилиши эвазига 7,5 минг кишини иш билан таъминланди⁵. Аёллар ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган аҳолининг анчагина қисмини ташкил этиб, кўп болали оилаларда улар болалар тарбияси, рўзгор юмуши билан банд. Аёлларнинг ўз томорқаларида хўжалик билан расмийлаштирилган шартнома, меҳнат стажи ҳисоблаш ва кейинчалик пенсия тайинлаш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши улар оилалари манфаатига мос келади; Республикамиз аҳолиси салмоқли қисмининг қишлоқ жойларида истиқомат қилиши, иқтисодиёт таркибида қишлоқ хўжалигининг етакчи ўрин тутиши мазкур тармоқни ривожлантириш, ундаги узоқ йиллар давомида вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фвда, 719-Жамғарма, 1-Рўйхат, 34-Йиғма Жилд, 200-Варақ.
2. Ўзбекистон Совет Мустамлакачилиги Даври. – Т.: Шарқ, 2000. –563 Бет.
3. Фвда, 1126-Жамғарма, 8-Рўйхат, 587-Йиғма Жилд, 6-Варақ.
4. Фвда, 1151-Жамғарма, 1-Рўйхат, 12-Йиғма Жилд, 58-Варақ.

⁴ ФВДА, 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 12-йиғма жилд, 58-варақ.

⁵ Himmatov. F XX asrning 6-70 yillarida O'zbekistonda paxta yakkahokimligining kuchayishi va uning salbiy oqibatlari. Magistrlik dissertatsiyasi. – Samarqand, 2012. – 42 bet.

5. Himmatov, F. X. Asrning 6-70 Yillarida O'zbekistonda Paxta Yakkahokimligining Kuchayishi Va Uning Salbiy Oqibatlari. Magistrlik Dissertatsiyasi. – Samarqand, 2012. – 42 Bet.
6. Alimova, N. O. (2021). Some Views On The History Of Daily Life Of Women In The Villages Of The Ferghana Valley (1946-1991). The American Journal Of Social Science And Education Innovations, 3(07), 45-47.
7. Usarov, U. A., & Alimova, N. O. (2021). Agricultural And Watering System Of Samarkand In The Second Half Of The XIX Century And The Early XX Century. Current Research Journal Of History (2767-472x), 2(07), 9-14.
8. Alimova, N., & Radjabova, M. (2020). The Role And Importance Of Individual Education In The System Of Organization. Theoretical & Applied Science, (4), 401-404.
9. Usarov, U. A., & Alimova, N. O. (2021). Agricultural And Watering System Of Samarkand In The Second Half Of The XIX Century And The Early XX Century. Current Research Journal Of History, 2(07), 9-14.
10. Alimova, N. (2019). Possibilities For Individualizing Teaching Foreign Languages In A Non-Language University. European Journal Of Research And Reflection In Educational Sciences, 2019.
11. Alimova, N. O. (2021). Some Views On The History Of Daily Life Of Women In The Villages Of The Ferghana Valley (1946-1991). The American Journal Of Social Science And Education Innovations, 3(07), 45-47.
12. Alimova, N., & Suyarkulova, G. (2022). Reviews On The History Of Light Industrial Enterprises In Uzbekistan. Gospodarka I Innowacje, 22, 639-642.
13. Alimova, N., & Maqsumov, N. (2022). Turkistonda Qishloq Xo'jalikning Ahvoli Va Undagi O'zgarishlar. Ijtimoiy Fanlarda Innovasiya Onlayn Ilmiy Jurnal, 2(10), 74-79.
14. Алимова, Н. О. (2023). Ўзбекистоннинг Совет Ҳокимияти йилларидаги Савдо Муносабатлари Хусусида. Та'лим Va Rivojlanish Tahlili Onlayn Ilmiy Jurnal, 3(1), 233-239.
15. Алимова, Н. О. (2023). Урушдан Кейинги Дастлабки йилларда Мактабгача Таълим Муассасаларининг Моддий-Техник Таъминоти. O'zbekistonda Fanlararo Innovatsiyalar Va Ilmiy Tadqiqotlar Jurnal, 2(15), 112-116.
16. Алимова, Н. (2022). Россия Империяси Ҳуқуқронлиги йилларида Ипак Маҳсулотлари Савдоси Va Муаммоларига Доир Фикр-Мулоҳазалар. Ijtimoiy Fanlarda Innovasiya Onlayn Ilmiy Jurnal, 2(11), 37-43.
17. Алимова, Н. О., & Суяркулова, Г. З. (2022). Фарғона Вилоятида Енгил Саноат Корхоналари Бошқарув Тизимига Доир Айрим Фикр-Мулоҳазалар. Ijtimoiy Fanlarda Innovasiya Onlayn Ilmiy Jurnal, 2(10), 91-95.
18. Alimova, N., & Nazaraliev, N. (2021). Some Views On The Socio-Economic Development Of Uzbekistan. Design Engineering, 10944-10948.
19. Алимова, Н. (2017). Шелк И Торговля В Туркестане (Конец XIX-Начало XX В.). Молодой Ученый, (1), 365-370.
19. Бегимкулова, Л. М. (2016). Ўқувчиларда Миллий Ғояни Шакллантириш йўллари. Актуальные Научные Исследования В Современном Мире, (12-3), 26-31.
20. Mannonjonovich, M. A., & Qurbon, S. (2021, June). A Look At The Activities Of Osman Khoja In The USSR. In E-Conference Globe (Pp. 53-55).
21. Mannonjonovich, M. A. (2021, June). Usmon Khoja Polatkhojaev's Participation In Jadidish Movement. In E-Conference Globe (Pp. 49-52).